

## Ғийбатнинг ҳаромлиги ҳақида (2-қисм)



13:50 / 13.03.2018 4694

**Ҳикоя.** Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳи алайҳ бир зиёфатга бордилар. Зиёфат аҳли кечикиб қолган бир одамни ғийбат қила бошлади. Шунда Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳи алайҳ: «Ажойиб-ку, одамлар аввал нон, кейин гўшт ер эди, сизлар эса нондан олдин гўшт едиларинг», деб уларга танбеҳ бердилар.<sup>[1]</sup>

**Ҳикоя.** Бир йигит Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳузурига келиб: «Айтиб бўлмайдиган даражада катта гуноҳ қилдим», деди. Абдуллоҳ: «Айтгин-чи, нима қилдинг?» деб сўраган эдилар, у: «Зино қилдим», деди. Абдуллоҳ: «Алҳамдулиллаҳ, ғийбат қилмабсан, чунки ғийбат зинодан ҳам каттароқ гуноҳдир», дедилар.<sup>[2]</sup>

**Изоҳ.** Бу гапдан зинонинг енгиллиги эмас, балки ғийбатнинг зинодан ҳам оғирлиги собит бўлади.

**Ҳикоя.** Саъдий Шерозий раҳимаҳуллоҳ «Гулистон» китобининг иккинчи бобида шундай ёзади: «Ёшлик чоғимда кечалари доим ибодатга машғул бўлардим, ҳар доим Қуръони шариф қучоғимда бўлар эди. Бир кеча отамнинг ҳузурда эдим, ёнимизда бир гуруҳ одамлар ухлаб ётган эди. Мен отамга: «Бу одамларга нима бўлганки, ўликдек ухлашяпти! Кошки улар ҳам уйғониб, Аллоҳ учун икки ракъат намоз ўқишса», дедим. Отам: «Эй отасининг жони! Сен ҳам ғийбат қилгандан кўра, ухласанг яхши бўлар эди», дедилар».

**Ҳикоя.** «Равзатул уламо» соҳиби Яҳё ибн Али Зандависатий<sup>[3]</sup> айтадилар: «Абу Лайс Бухорий ҳажга кетаётиб, чўнтақларига икки дирҳам солдилар ва: «Агар йўлда бирор кишини ғийбат қилсам, шу икки дирҳамни Аллоҳ йўлига бериб юбораман», деб қасам ичдилар. У киши ҳаждан қайтиб келганда ҳам ўша икки дирҳам чўнтақларида эди. Одамлар бунинг сабабини сўрашса: «Менинг наздимда, бир марта ғийбат қилиш юз марта зино қилишдан ҳам ёмонроқ», дедилар».<sup>[4]</sup>

**Эслатма.** Ҳаж сафарида ғийбат қилиш ҳажнинг савобини бекор қиладиган, инсонни жаҳаннамгача олиб борадиган улкан гуноҳлигини Абу Лайс раҳимаҳуллоҳ жуда яхши билар эди. Бироқ ундан сақланиш янада осонроқ бўлиши учун назр қилди, яъни қасам ичиб, ўзига ўзи сўз ҳам берди. Зеро, ҳадисларда хабар берилишича, эҳром ҳолатида бирор гуноҳ қилмаган, ҳеч ким билан сўкишмаган кишининггина ҳажи қабул бўлади. Аммо бугунги кунда айрим ҳожилар уйларида қанча гуноҳ қилиб юрган бўлсалар, ҳажда ҳам шунча гуноҳ қилишмоқда. Эҳромдалиқ ҳолларида ғийбатга машғул бўлишмоқда. Бундайлар ҳатто Ҳарамайнга етиб боргач, Макка ва Мадина аҳлини ҳам ўз ғийбатидан бенасиб қолдирмайди. Аллоҳ барчамизни ҳидоятга бошласин! Омин.

**«?Ғийбат ўзи нима»**

*Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий*

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов

<sup>[1]</sup> «Тазкиратул авлиё».

<sup>[2]</sup> «Тазкиратул авлиё».

[3] Муаллиф ўзининг «Ал-Фавоидул баҳийя» номли китобида бу кишини «Имом, фақиҳ, парҳезкор» деб зикр қилган. «Ал-Аълом» муаллифининг сўзига кўра, бу зот ҳижрий 382 йилда вафот этган.

[4] «Хизонатур-ривоёт» соҳиби «Равзатул уламо»дан нақл қилган (80-бет).